# ФУТБОЛ ЎЙИНИДА ДАРВОЗАБОНЛАРИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

10.53885/q4517-1198-0068-j

**Ахмедов Низом Иззатович**

Бухоро давлат университетининг Педагогика институти 1-босқич магистри Бухоро, Ўзбекистон.

**Аннотация:** Ушбу мақолада миллионлар севиб ўйнайдиган футболда дарвозабоннинг ўрни қанчалик муҳмлиги ҳақида маълумот берилган. Шу билан биргаликда давозабонларнинг тайёрлашнинг ўзига хослиги ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган

**Калит сўзлар:** Замонавий ўйин таълим, маҳорат, техника ва тактика, жисмоний мукаммаллик

Замонавий футбол ўйини-бу миллионлар ўйини бўлиб, унинг ярим муваффақияти албатта, дарвозабоннинг маҳоратига боғлиқдир. Дарвозабоннинг тактик ва техник тайёргарлиги, жисмоний ва айниқса, психологик ҳолати ўйиннинг нафақат қизиқарли, балки, ғалабали бўлишини таъминлайдиган омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Дарвозабонлик- бу таниқли футболчилар фикрича, қизиқиш эмас, балки, ҳаёт тарзидир. Юқори квалификацияли дарвозабон бўлиш осон эмас.

Авваламбор, дарвозабон доимо жисмоний мукаммал ҳолатда бўлиши лозим. Чунки, у ўз жамоаси ўйинининг ҳимоя жараёнларида фаол иштирок этишига тўғри келади. У жарима майдонида рақиб томон ҳужумчисининг ҳаракатларига қарши тура олиши учун кучга, эпчиллик ва ишончга эга бўлиши керак.

Майдонда жамоа учун иккита ёрдамчи бўлади, буларнинг бири – жамоа сардори, иккинчиси эса- дарвозабондир. Жамоа сардори бутун жамоани бошқариб турувчи лидер ҳисобланса, дарвозабон ҳимояни бошқаради. Дарвозабон майдонни четдан энг яхши кўриб, назорат қилиб туради, шунинг учун ҳам у ўйинчиларни самарали жойлаштириб, ўз дарвозасини ҳимоялаши мумкин. У мураббийнинг ғояларини етказувчи ҳисобланади. Дарвозабон фойдасиз тўпларни дарвозадан чиқарганда эмас, балки ўйинчиларни ўз дарвозаларининг дахлсизлигини таъминлашга аниқ йўналтира олгандагина, обрў-эътиборга лойиқ бўлади. Дарвозабон ўз профессионализм даражаси борасида қайғуради, шу сабабли ҳам энг юқори даражадаги маълумотлиликка эга бўлишга ҳаракат қилади. У эмоцияларга берилмаслиги жуда муҳим. Демак, психологик тайёргарлик, метин ирода талаб этиладики, у ишқибозлар қийқириқларига, ёт предметларга, об-ҳаво инжиқликларига ва бошқаларга беписанд муносабатда бўлишига тўғри келади, айниқса, рақибларнинг провакацион қилиқлари, жамоанинг хатоликлари уни қуюшқондан чиқармаслиги керак. Албатта, бу сифатларга эга бўлишда машғулотлар жараёни муҳим аҳамият касб этади. Ҳатто, жасурлик хислати ҳам тренировкада шаклланади. Бунда тўп сенга қараб кескин йўналганда ҳам кўзларни юмиб олмаслик сифатини шакллантириш лозим. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, юқоридаги ҳолатда тананинг бошқа аъзолари, жумладан, юз қисмлари, қўллар, мия чайқалиши каби жароҳатлар ҳам юз бериши мумкин. Қўрқув ҳиссини енгишга доир психологик машқлар ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Дарвозабон ўйини техникаси ўйинчиларникига ўхшаб кетсада, уларникига нисбатан анча катта кучни талаб қилади. Асосан унга жарима майдончасида қўлда ўйнашга рухсат берилади. Дарвоза қўриқчиси сифатида ўйин техникаси таркибида қуйидаги усулларни қўллай олади:

- пастдан учиб келаётган коптокни ушлаб олиш;
- ярим баландликдаги коптокни ушлаб олиш;
- юқоридан ирғитилган коптокни ушлаб олиш;
- учиб келаётган тўпни қайтариш;
- уларни ушлаб олиш;
- тўпни тезда қайта улоқтириш.

Дарвозабон ўз жарима майдонидан ташқарида жамоанинг бошқа ўйинчилари каби ҳаракат қилади. Бироқ, у ўз жамоаси ўйинчиси улоқтирган тўпга қўл билан тегиши мумкин эмас.

Дарвозабон атлетлар каби тана тузилишига эга бўлиши, чаққон сакраш қобилиятига, тез ҳаракатчан, акробат каби рақибни, унинг тезлигини аниқлай олиш, тўпни тутиб қолиш ва қайтариш сифатларини шакллантирган бўлиши керак.

Кўп ҳолларда дарвозабонлар гол уришга ҳам эришишади. Одатда, бу қуйидаги ҳолларда юз беради:

-дарвозабонлар жарима зарбасини ва пенальтини яхши бажара олишади. Бироқ бунда рақиб команда контратакага кириши ва бўш дарвозага тўпни йўллаши мумкин.

-дарвозабон ўз командасининг ҳужумига ўйиннинг сўнгги минутларида гол уриш умидида жалб қилиниши мумкин.

-дарвозабон қўққисдан ўз жарима зонасидан узоққа тўп улоқтириши натижасида гол уриши мумкин.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дарвозабонларни тайёрлаш, уларнинг техник ва тактик тайёргарлигини оширишда бугунги кунда етакчи машҳур мутахассислар тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва жорий этиш масъулиятли вазифадир ва бу ўзбек футболини ривожлантиришда ҳисобга олиниши зарур омиллар мажмуасидир. Бунда ўрта умумтаълим мактаблари, спорт мактаблари, махсус мактаб-интернатларда маҳорат дарсларининг ўтказилиши ёшларда машҳур дарвозабонлар каби бўлиш истагини уйғотади. Болалар ўз навбатида ўз қаҳрамонларининг ҳаёти билан танишишга, уларнинг ўз муаммоларини бартараф этиш борасидаги тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва қўллашга қизиқишларини орттиради. Бу жиҳатлар ўқувчи-ёшларда эпчиллик, ўз устида тинмай жисмоний машқлар олиб бориш, шунингдек, кўпроқ адабиётлар мутолаа қилиш кўникмасини шакллантиради.

Адабиётлар рўйхати:


1. Nematovich K. S. Abduyeva Sitorabonu Savriddin kizi, Fatullayeva Muazzam Azimovna, Kurbanov Shukhrat Kuldoshevich. Using of innovation terms in physical education and sport lessons and their social and educational features //Journal of Critical Reviews. doi. – Т. 10. – С. 470-471.
2. Abdueva S. S. Q. Determining the speed and strength of 14-15 year old handball players in jumping //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 11. – С. 1212-1220.
3. Abdueva S. S., Khurbonov S., Sabirova N. Evolution of physical performance and techniques of handball girls aged 11-12 //International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology (IJARSET). – 2019.
4. Abdueva S. S. Activities that increase children's interest in the sport of handball //Innovatsionnoerazvitienauki I obrozovaniemejdunarodnayanauchno-prakticheskayakonferensiya. – 2020.
5. Rasulovna S. N. THE PLACE OF PHYSICAL TRAINING AND SPORTS IN THE LIFE OF SCHOOL STUDENTS //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 04. – С. 306-312.
6. Rasulovna S. N. TOOLS FOR DEVELOPING SPECIAL PHYSICAL TRAINING AND PHYSICAL QUALITIES IN SPORTS GAMES //E-Conference Globe. – 2021. – С. 299-305.
7. Sabirova Nasiba Rasulovna. Basics and Advantages of Individual Training to Increase Technical and Tactical Training of Basketball Players. AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH. ISSN: 2690-9626 Vol.3, No 1, 2022
8.
9. Akmalovich, D. B., Khalilovich, T. M., Rasulovna, S. N., & Savrievich, F. F. (2020). Psychological impact of football games to the formation of individuality of the student. *Journal of Critical Reviews*, *7*(6), 466-469.
10. Сабирова Н. Р. Значение физической культуры в современном обществе //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 6 (51).
11. Усмонов, Ш. Х., Самадов, С. С., & Фармонов, А. Ч. (2021). Физкультурно-спортивные интересы и мотивационные установки студентов. *Вопросы науки и образования,* (4), 129.
12. Xujamurodovich, U. S. (2022). CORRECTIONS IN JUMPING IN THE DEFENSIVE BLOCK AGAINST AN OPPONENT IN VOLLEYBALL. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, *3*(1), 442-450.
13. Azimovna F. M. The quality assessment technology and development techniques in volleyball players //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 04. – С. 242-248.
14. Azimovna F. M. et al. Educational importance of physical education, sports and health measures in higher educational institutions //E-Conference Globe. – 2021. – С. 321-325.
15. Azimovna F. M. Formation of spiritual and moral values of pupils in physical education lessons //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2020. – Т. 9. – №. 11. – С. 99-103.

16. Nematovich K. S. Abduyeva Sitorabonu Savriddin kizi, Fatullayeva Muazzam Azimovna, Kurbanov Shukhrat Kuldoshevich. Using of innovation terms in physical education and sport lessons and their social and educational features //Journal of Critical Reviews. doi. – Т. 10. – С. 470-471.

17. Салимов, Г. М., Дустов, Б. А., Фарманов, У. А., & Рахмонов, Р. Р. (2020). Показатели констатирующего этапа экспериментальной работы по физическому развитию учеников 7-10 лет общеобразовательных организаций Узбекистана. *Педагогическое образование и наука*, (1), 91-97.

18. Akmalovich, Dustov Bakhtiyor. "Acmeological peaks of a sports teacher and coach." *Middle European Scientific Bulletin* 11 (2021).

19. Akmalovich, D. B. (2020). Organization of independent work of students in the process of physical education. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, *9*(11), 120-123.

20. Safarova Rokhat G. Ways and factors ofoptimization of the content of general secondary education in today's world // Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. 2012. №2 (eng). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/ways-and-factors-ofoptimization-of-the-content-of-general-secondary-education-in-today-s-world (дата обращения: 09.05.2022).

21. Мухитдинова Н.М. Абитова Ж.Р. Механизмы интеллектуального развития дошкольников с помощью физических занятий // Проблемы педагогики.- 2020- № 3 (48) с 79-81

22. Мухитдинова Н.М. Методология физических упражнений и игр в дошкольних образовательных организациях // Проблемы науки-2020-№9 (57) с 81-83

23. Мухитдинова Н.М. Эшов Э. Improvement of psychology and pedagogical process on physical training // Intellectual Archive 2018 с 93-96

24. Djurayeva Maxasti Zokirqizi "The emotion training system for atudents of preschool education for sports gymnastics sports competitions" 88-101 betlar. International Journal of Advanced Research in Monagement and Social Sciences. Vol.1 №2 February 2022

**25.** Джураева Махасти Зокировна "Характеристика эмоционально –волевой готовности личности к спортивной деятельности" 169-171 betlar. Россия-Таджикистан –Узбекистан. молодежь и развитие духовной культуры общества: актуальные проблемы и перспективы их решения. 22апреля 2022г.

26. Маъмуров Б. Б. Бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга тайёрлашда қўлланиладиган тамойиллар. Современное образование (Узбекистан), 2017. https://cyberleninka.ru/article/n/b-lazhak-ituvchilarni-shahsga-y-naltirilgan-talim-tarbiya-zharayonini-loyi-alashga-tayyorlashda-llaniladigan-tamoyillar

27. Mamurov B. B. The Need to Prepare Future Teachers to Design a Student-Centered Educational Process. Eastern European Scientific Journal, 2017. http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/article/viewFile/600/596

28. Мамуров Б.Б., Махмудов М.Х. Акмеологическая составляющая образовательной культуры учителя. философские и методологические. https://www.elibrary.ru/item.asp?id=36679921

29. B Mamurov, A Mamanazarov, K Abdullaev, I Davronov. Acmeological Approach to the Formation of Healthy Lifestyle Among University Students. III International Scientific Congress Society of Ambient …, 2020. https://www.atlantis-press.com/proceedings/isc-sai-20/125937241

30. ББ Мамуров. Акмеологический подход к воспитанию молодого поколения в наследии предков. Педагогическое образование и наука, 2016. http://www.manpo.ru/manpo/publications/ped_obraz/n2016_03.pdf#page=147

31. Маъмуров Б.Б. Маманазаров А.Б. Условия развитие у будущих учителей навыков проектирования учебного процесса на основе акмеологического подхода. https://www.elibrary.ru/item.asp?id=37269472

32. Файзиев Я. З., Зиёев Д. Я. У. краткий исторический обзор развития физического воспитания и спорта //Academy. – 2020. – №. 9 (60).

33. Файзиев Я. З., Кузиева Ф. Эффективности использования национальных средств физического воспитания в учебном процессе //Вестник магистратуры. – 2020. – №. 3-1. – С. 95.

34. U. A. Fayzieva, M. T. Khikimova. Conditions of effectiveness of pedagogical communication. https://mbukckslg.ru/en/usloviya-uspeshnogo-pedagogicheskogo-obshcheniya-ego-funkcii-organizaciya.html

35. Fayziyeva Umida Asadovna Saidnazarova Gulshan Bolta qizi. "Ta'lim texnologiyalari" fanidan seminar mashg'ulotlarini bajarish bo'yicha metodik ko'rsatma. http://213.230.96.51:8090/files/ebooks/Iqtisodiyot/TALIM_TEXNOLOGIYALARI.pdf